

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

БИЛИМЛИ АВЛОД — БУЮК КЕЛАЖАКНИНГ, ТАДБИРКОР ХАЛҚ — ФАРОВОН ҲАЁТНИНГ, ДЎСТОНА ҲАМКОРЛИК ЭСА ТАРАҚҚИЁТНИНГ КАФОЛАТИДИР

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар! Муҳтарам меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар! Сизлар билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллиги муносабати билан мана шу муҳташам саройда кўришиб турганимдан мамнунман.

Барчангизни, бутун халқимизни ушбу кутлуг айём билан чин қалбимдан муборакбод этиб, эзгу тилакларимни изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси бўлган Конституциямиз юртимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқроқ майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз 26 йил давомида босиб ўтган гоат мураккаб ва шарафли йўл Бош қомусимизнинг ҳаётбахш кучи ва улкан салоҳиятидан далолат беради.

Асосий қонунимиз негизида яратилган Ҳаракатлар стратегияси бугунги кунда жонажон Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда, инновацион ва индустриал ривожланиш сари одимлашда бекиёс ўрин эгалламоқда.

Халқ билан доимий мулоқотда бўлиш, одамларнинг ташвиш-муаммоларини ҳал этиш, уларни рози қилиш фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Бошлаган улкан ислохотларимизни самарали амалга оширишда ушбу масалаларнинг аҳамияти кун сайин тобора ортиб бораётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Айнан шу сабабли **Бош қонунимизни чуқур ўрганиш, англаш, ҳаётга жорий этиш ва унга сўзсиз амал қилиш — барчамизнинг шарафли бурчимиздир.**

Азиз юртдошлар!

Инсон қадр-қимматини эъозлаш, бунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатни қарор топтиришга қодир бўлган одил судлов тизимини шакллантириш биз учун ўтган икки йил давомида энг устувор вазифага айланди.

Буюк соҳибқирон Амир Темури бобомиз Оқсарой пештоқида **"Адолат — давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шиоридир"**, деган ҳикматли сўзларни ёздиргани бежиз эмас, албатта. Ушбу улғувор гоа инсон қадр-қимматини олий даражага кўтариш борасидаги амалий ҳаракатларимиз пойдеворига айланди.

Шу йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форумида дунёдаги таниқли сиёсатчилар, кўзга кўринган олим ва экспертлар томонидан бу борада ўтган қисқа даврда амалга оширган ишларимизга муносиб баҳо берилди. Таъкидлаш кераки, ушбу анжуман Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрўси ва нуфузини янада оширди. Энг муҳими, Осиё форуми инсон ҳуқуқлари

бўйича халқроқ амалиётга **"Самарқанд руҳи"** деган тушунча ва тамойилни олиб кирди.

Бугунги кунда юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний ҳимоя қилиш бўйича салмоқли ишлар қилинмоқда. Жумладан, шахсни айбашда қонунга зид усулда олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланганлик учун қатъий жавобгарлик белгиланди.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор тақдорлайман: **судьянинг онгида — адолат, тилида — ҳақиқат, дилида — поклик ҳукмрон бўлиши керак.**

Бу борада Алишер Навоий бобомиз **"Зулм қилма, инсофли бўл, халқ учун "адл қасри", яъни "адолат кўргонини" бунёд эт"**, деб айтган сўзларида қанчалик чуқур маъно бор.

Адолат кўргони қачон пайдо бўлади? Қачонки суд органлари, судьялар қонунга, одиллик тамойилларига қатъий амал қилиб, ўз вазифасини ҳалол ва виждонан адо этса, бунга эришиш мумкин.

Кейинги икки йилда судлар мустақиллигини таъминлаш бўйича ҳам муҳим чоралар кўрилди. Жумладан, жорий йилнинг ўзида 1 минг 881 та жиноят иши далиллар етарли бўлмаганлиги сабабли тугатилди, судлар томонидан 590 нафар шахс оқланди. Ваҳоланки, бу рақам 2016 йилда — эътибор беринг — бор-йўғи 28 тани, 2017 йилда эса 263 тани ташкил этган эди.

Давоми 2-бетда ➡

ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллиги муносабати билан 7 декабрь кун "Ўзбекистон" халқроқ анжуманлар саройида тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт намояндалари, кенг жамоатчилик, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқроқ ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Президент Шавкат Мирзиёев халқимизни ушбу кутлуг айём билан муборакбод этиб, мамлакатимиз ҳаётининг бир йилда рўй берган ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида маъруза қилди.

Мустақиллик йилларида барча соҳаларда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотлар, халқимиз турмуш шароити яхшиланаётгани, иқтисодиётимиз рақобатбардошлиги мустақкамлашиб, мамлакатимизнинг халқроқ майдондаги нуфузи юксалиб бораётгани замирида Асосий қонунимизда белгиланган ҳуқуқий кафолатлар муҳасам. Конституциямизда халқимиз асрлар давомида орзу қилган миллий истиқлолни, жонажон Ватанимизнинг тараққиёт йўли, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари белгилаб қўйилган.

Президентимиз маърузасида таъкидланганидек, мамлакатимиз мустақиллик йилларида босиб ўтган гоат мураккаб ва шарафли йўл Бош қомусимизнинг ҳаётбахш кучи, улкан салоҳиятидан далолат беради. Асосий қонунимиз негизиде яратилган Ҳаракатлар стратегияси бугунги кунда жонажон Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда, инновацион ривожланиш сари одимлашда бекиёс ўрин тутмоқда.

Жорий йил халқимиз манфаатларини таъминлаш, тадбиркорларда ташаббускорликни кучайтириш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустақкамлаш, ёш авлоднинг баркамол этиб тарбиялаш борасида тизимли амалий ҳаракатлар даври бўлди. "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоаяр ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастури асосида бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари қабул қилиниб, аҳоли ҳаётини тубдан яхшилашга қаратилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бошланди. Бу халқимиз эртага, узоқ келажақда эмас, бугун яхши яшаши керак, деган олижаноб гоани рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. "Ҳар бир оила — тадбиркор" ҳамда "Ёшлар — келажагимиз" дастурлари доирасида халқимиз, айниса, ёшларимизнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича сезиларли ишлар қилинмоқда. Буларнинг барчаси одамларда Ватанимиз тақдирига дахлдорлик, эртанги кунга ишонч туйғусини янада мустақкамламоқда.

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида эришилаётган бундай ўзгаришлар нафақат юртимиз, балки бутун минтақа ҳаётига янги руҳ олиб кирди. Қўшни мамлакатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатлар янада мустақкамланди, халқларимиз ўртасида дўстлик кўприклари тикланди.

Конституциямиз бошланган ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, халқимиз учун ҳеч қимдан кам бўлмаган турмуш шароити яратиш, иқтисодиётимиз тараққиётини, энг муҳими, ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишдек олижаноб мақсадларимизнинг кафолати ва ҳуқуқий пойдевори сифатида барчамизни юксак марраларга руҳлантирадиган бекиёс қудрат манбаи бўлиб хизмат қилаверад.

Тантанали маросимда юртимиз санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокида илк бор жонли концерт дастури намоиш этилди.

ЎзА

ХАЛҚИМИЗ ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУРИНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз ҳеч қимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, тинч ва осойишта, фаровон яшашининг қонуний кафолати бўлиб келмоқда. Қомусимиз асосида миллий қонунчилик тизими, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари шаклланди. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳиятимиз юксалиб, фуқароларимизнинг дунёқараши тобора ўсиб бормоқда.

Айни пайтда Асосий қонунимиз талабларини тўлиқ амалга ошириш учун 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат моҳиятига кўра, жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги тизимли ислохотларнинг "йўл харитаси"га айланди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ушбу ҳаракатлар натижасида давлат ҳокимияти тизимида мулқроқ янги институт — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойларда Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Ушбу тузилмалар барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фуқаролар билан ҳамкорлик қилиш, аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этишнинг самарали тизимига айланди.

Ҳокимиятнинг халқ сайлаган вакиллик органлари — парламент, халқ депутатлари

8 декабрь —
Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси
қабул қилинган кун

кенгашларининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли ва аҳамияти тубдан ўзгарди. Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ваколатлари босқичма-босқич кенгайтирилди, парламент ва жамоатчилик назорати институтлари мустақкамланмоқда.

Ўтган даврда ижро этувчи ҳокимиятни демократлаштириш ишлари ҳам изчил олиб борилди. Ҳукуматнинг вазифа ва ваколатлар доираси кенгайтирилиб, парламент олдида ҳисоб бериш даражаси ва масъулияти кучайтирилди. Бу Конституциянинг 7-моддасида мустақкамланган "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир", деган улғувор гоанинг амалий ифодаси бўлди.

Давоми 4-бетда ➡

Вилоят ички ишлар бошқармасида

СОДИҚ ХИЗМАТЛАР ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллиги вилоят ички ишлар бошқармасида ҳам кўтаринкилик билан нишонланди.

Маросимда сўз олган ички ишлар вазири маслаҳатчиси, генерал-полковник Зокиржон Алматов, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Тоҳир Арипов ва бошқалар мустақил тараққиёт йилларида Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва

хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқроқ майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётганини таъкидладилар.

Шуни қайд этиш лозимки, сўнгги вақтларда ички ишлар

органлари ходимларининг аҳоли ҳамда ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорлиги янада мустақкамланди. Пайшанба — профилатика кун сифатида белгиланган бу ҳамкорликни янги босқичга кўтариб, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ижобий самара бераётди.

Давоми 4-бетда ➡

Чирчиқ шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллиги муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди. Кўтаринки



кайфиятда нишонланган маросимда вилоятнинг барча жабҳаларида меҳнат қилаётган фаоллар, жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.



АДОЛАТ ЖАВОНИДАН ЖОЙ ОЛГАН ҚОМУС

Тадбирда сўз олганлар муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида Асосий қонунимиз талабларини тўлиқ амалга ошириш мақсадида ҳаётимизга изчиллик билан тадбиқ этилган Ҳаракатлар стратегияси жамиятнинг барча соҳаларидаги тизимли ислохотларнинг "йўл харитаси"га айланганини таъкидлашди.

Маросимда вилоят мутасаддиларининг Россия, Беларусь, Хитой мамлакатларига амалий ташрифлари доирасида умумий қиймати 1,5 миллиард доллар бўлган 42 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш юзасидан тегишли келишувларга эришилгани, жорий йилнинг ўзида 7 минг 151 та намунавий, хизмат, идоравий уй-жойлар ва кўп қаватли уйлардаги хонадонлар қурилиши режалаштирилиб, шулардан 5 мингдан ортиғи фойдаланишга топширилгани, йил якунига қадар 200 га яқин ижтимоий соҳа объектларида қурилиш ва таъмирлаш ишлари поёнига етаётгани, шунингдек, 260 км. ички ва 291 км. умумфойдаланишдаги йўللарни таъмирлаш ва қуриш тўлиқ нияжланиб, бу борадаги ишлар ҳажми ўтган



дан зиёди айни вақтда олий таълим даргоҳларининг махсус сиртки бўлимларида тахсил олаётгани ўқитувчи макомининг юксалиб бораётганидан дарак бермоқда. Жойларда 200 дан ортиқ нодавлат ва давлат хусусий шерикчилик асосидаги мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш режалаштирилган бўлса, уларнинг аксари аллақачон бунёд этилиб, фойдаланишга топширилгани ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим-тарбияси тобора юқори

поғоналарга кўтарилиб бораётганини кўрсатиб турибди.

Тадбирда вилоятимизнинг қишлоқ меҳнаткашлари ҳаётида бу йилги мавсум ўзига хос қийинчилик ва мураккабликлар туздиргани, фермер ва деҳқонларнинг ирода ва матонатини яна бир бор синовдан ўтказгани тилга олинди. Шунга қарамай, кўп йиллик тажрибага таяниб, ишга масъулият ва жавобгарлик ҳисси билан ёндошган вилоятимиз галлакорлари Ватанимиз хирмонига

345 минг 466 тонна сара дон етказиб бериб, шартномавий режани анча ортиғи билан бажарганликларини уларнинг манфаатдорлик ҳисси билан меҳнат қилаётганларидан дарак бериб турибди. Бу эса Конституциямизнинг 53-моддасидаги "хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир", деган таъкиднинг ҳаётини ифодасидир.

Поёнига етиб бораётган йилда вилоятимизда 70 та янги хусусий клиника барпо этилиб,

20 тасининг фаолияти кенгайтирилди. Вилоят онкология диспансери таркибида янги бўлим иш бошлади. Бекобод, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Бўстонлиқ, Бўқа туманлари тиббиёт бирлашмаларининг имкониятлари оширилди. Олмалиқда 90 ўринли болалар шифохонаси тубдан реконструкция қилиниб, ишга туширилди. Шу билан биргаликда "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", "Ёшлар — келажагимиз" каби қўламли дастурлар ижроси изчиллик билан таъминланаётгани вилоят салоҳияти барча жабҳаларда юксалиб бораётганидан далолат беради.

Шунингдек, байрам тадбирида вилоятимизнинг бир гуруҳ фаоллари ва жамоатчилик тузилмаси раҳбарларига Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган "Маҳалла ифтихори" кўкрак нишони тантанали тарзда топширилди.

Тантанали маросимда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги катта концерт дастури намоиш этилди.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Равшан МИРЗАКУЛОВ
олган суратлар

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Давоми 3-бетда

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Шу билан бирга, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга экани, жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг айби судда аниқ бўлмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги тўғрисидаги конституциявий нормаларни амалда таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрилди. Албатта, бу қондан ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш, биринчи навбатда, судларнинг чинакам мустақиллиги, уларнинг адолатли фаолият юритиши билан чамбарчас боғлиқ. Конституциямизда мустақамланган инсон ҳуқуқларини таъминлаш юртимиздаги ислохотларнинг амалий натижаси билан бевоcита боғлиқдир. Бу жараёнда энг асосий эътибор фуқароларимизга ўз ҳуқуқларини рўйба рўй чиқариш учун кенг имкониятлар яратишга қаратилмоқда. "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муқоабатлари тўғрисида"ги Қонун янги тахрирда қабул қилинди. Шу асосда аҳоли учун мақбул бўлган усуллар – "ишонч телефонлари" ва тезкор алоқа телефонлари орқали ҳамда видеоқонференцалоқа воситасида муқоабат қилиш тартиби жорий этилди. Фуқароларимизнинг Конституцияда муқоабат қилинган давлат органлари ва муассасаларига, халқ вакилларига муқоабат қилиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида оммавий учрашуларда муқоабатларни қабул қилиш тартиби белгиланди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг муқоабат кўриб чиқишига ва уларнинг қабулига алоқадор бўлиши, уларни қўлай ва шинам тураржой билан таъминлашига давлат томонидан ёрдам кўрсатилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги "2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган наму-

ган. Жисмоний ва юридик шахслар ва уларнинг қонуний вакилларининг 15 минг 699 нафари прокуратура ходимлари томонидан қабул қилинди.

Шу борада яна бир муҳим ҳужжат – "Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида" янги Қонун қабул қилинди. Унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имконияти янада оширилди. Бу билан фуқароларимиз ҳар қандай давлат органи, бошқа ташкилотлар ва мансбдор шахслардан ҳуқуқий ахборотни ҳеч қандай чекловсиз олиши кафолатланди.

Конституциямизда муқоабат қилинган "Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли" ҳамда "Хусусий мулк бошқа мулк ҳақлари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида" деган нормаларни амалда рўйба рўй чиқариш мақсадида янги институт – Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузурида Тadbirkorлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти таъсис этилди.

Албатта, фуқароларнинг мулкдор бўлиши, уларни қўлай ва шинам тураржой билан таъминлашига давлат томонидан ёрдам кўрсатилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги "2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган наму-

навий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги Қарорига асосан 2017 йилда вилоятда жами 1 минг 75 та янгиланган намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилган. Шунингдек, ушбу хайрли ишлар жорий йилда ҳам жадал давом эттирилиб, вилоятда 1 минг 742 та хонадонли ва 765 та арзон уйлар намунавий лойиҳалар асосида қурилиб, бирин-кетин

дентининг "Ҳар бир оила – тadbirkor" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан вилоятда жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига 293 та тadbirkorларга 8 миллиард 130 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилган. Бу каби имкониятлар натижасида, жорий йилнинг ўтган даврида 4 минг 257 та кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, 2017 йилнинг шу даврига

лар тоифасини белгилаб беради, кейин эса ана шу жиноятлар тоифасига тушадиган шахслар аниқланади. Амнистия жиноят содир этган одамларни кечириб бўйича муҳим механизмлардан бири. Бироқ, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, олдидан чқур ўрганимасдан туриб жавобгар-

ди. Фақат жазолаш билан қўрқитиб, ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки ноқонуний ҳаракатлар содир этилишининг барвақт олдини олиш энг долзарб вазифага айланди. Асосий қонунимизда давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши белгилаб қўйилган. Унинг ижросини амалда таъминлаш мақсадида Маъмурий ислохотлар концепцияси қабул қилинди.

Конституциямизнинг 53-моддасига кўра, давлат иқтисодий фаолият, тadbirkorлик эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлиги ва муҳофаза этилишини кафолатлайди. Бу тамойилнинг амалий исботи сифатида миллий валютимиз – сўмнинг эркин конвертациясига йўл очилди.

Умуман, мамлакатимизда олиб борилаётган ҳар қандай ислохот конституциявий тамойил ва қонда-ларга мувофиқ тарзда амалга оширилиши, қонун устуворлиги бош мезон бўлиши зарур.

Ҳаммамиз деярли ҳар куни турли идораларга муқоабат қиламиз. Дейлик, нотариус, архив, кадастр идорасидан, газ, электр, сув таъминоти ташкилотидан ёки маҳалладан оддий бир маълумотнома олиш учун баъзан кун бўйи навбатда туришга тўғри келади. Ана шундай, бир қарашда арзимас бўлиб туоладиган ишлар учун одамларнинг қанча вақти, асаби кетарди. Бугун шуларнинг ҳаммаси бир жойда, марказлаштирилган ҳолда, тезкорлик билан ҳал этилаётгани.

Орадан йиллар, асрлар ўтади, лекин халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси бўлган Конституциямиз янги-янги авлодлар учун ҳаёт қомуси, даврнинг ўзи ўртага қўядиган долзарб муаммоларни ениш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаверади.

Салом САМАДОВ,
Тошкент вилоят прокурори

ХАЛҚИМИЗ ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУРИНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ



◀ Бошланғич 1-бета

Биз — коррупцияга қаршимиз!

Адлия вазирлиги томонидан "Биз — коррупцияга қаршимиз!" шiori билан ўтказилган мегатанловда журналист Фозил Жабборовнинг "Чидан, болам-а, чидан!" сарлавҳали мақоласи фахрли 3-ўринга муносиб кўрилди. Ҳамкасбимизнинг ушбу ютуғига ҳаммадан кўп қувондик. Бойси, мазкур мақола газетамизнинг шу йил 17 ноябрь сонидан чоп этилган ва кўплаб муштарийларимизнинг эътирофига сазовор бўлганди.



ОФАРИН, БОЛАМ-А, ОФАРИН!

Тақдирлаш маросимида "Минтақавий мулоқот" нодавлат-нотижорат ташкилотининг ҳуқуқ бўйича эксперти Горан Клеменч мазкур блогпост хусусида шундай фикр билдирди: "Мен таржима ёрдамида кўплаб баёнларни ўқидим. Улар ичидан бир отанинг қақалоқ ўғлига ёзган мактуб шаклидаги ижодий иши ҳам бор эди. Ча-

қалоқни туғуруқхонадан олиб чиқишда кузатилган коррупция ҳолатлари ҳақида экан. Унинг сўнгига шундай дейилган: "Ўғлим, ишонаманки, сен келажақда адолатли, коррупциядан ҳоли жамиятда яшайсан!" Бу жудаям таъсирли кечинмалар эди..."

— Бу ўғлим Элғизнинг илк ютуғи, — дейди муаллиф. — Ўғлимнинг ўзи боролмагани учун мен унинг номидан бориб бизга аталган совринлар — диплом ва замонавий телевизори олиб келдим, холос.

Дарвоқе, эскиларнинг бир гапи бор: "Ўғли бор... ўн йил оч!" Бу асли ўғил ота-онасининг қаторига тез қиради, мушқулига елка тутлади, рўзгорининг бир юкини кўтаради, дегандир. Демак, Фозил-жоннинг ўғли ўн йил куттирмабди — бир ойлигиданоқ отасининг ёнига кирибди. Офарин, болам-а, офарин!

Алишер РАҲМАТОВ

СОДИҚ ХИЗМАТЛАР ЭЪТИРОФИ



Эл-юртимиз оsoйишта-лигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган кўплаб ички ишлар органлари ходимларининг фидокорона хизмати давлатимиз томонидан муносиб рағбатлантирилмоқда.

Тантанали тadbirkor Ички ишлар вазирлиги томонидан вилоят ҳудудида фуқароларнинг оsoйишталиги ва тинчлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш, содир этилган жиноятларни фoш этишда ўз хизмат вазифаларига виждонан ва сидқидилдан ёндошган соҳа вакиллари-ни муқофотлаш ҳамда бир

гуруҳ ходимларга навбатда-ги махсус унвонларни топи-риш маросимига уланиб кетди. Худудий ички ишлар органлари раҳбарлари ва навбатчилик қисмларига Ички ишлар вазирлиги томонидан ажратилган "Нексия" ҳамда "Дамас" автомобиллари топширилди.

Халқ ардоғидаги санъаткорлар ва ёш хонанда-ларнинг чиқишлари иш-тироқчиларга байрамона кайфият улашди.

Тadbirkor Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, генерал-майор Даврон Назар-муҳаммедов иштирок этди.

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги мамлакат футбол ассоциацияси билан ҳамкорликда оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида мини-футбол бўйича мусобақа ўтказди.

СПОРТГА ҲАМДАМ ҲАЁТ — ИЖОДГА БЕРГАЙ ҚАНОТ

Конституциямизнинг 26 йиллигига бағишланган мазкур беллашувда телевидение, радио, матбуот, нашриёт-матбаа ижодий уйлари ва интернет сайтларидан 24 та жамоа тuzилиб, 6 та гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро куч синашди.

Илк учрашувдаёқ уйинлар қизқарли ва ҳаяжонли руҳда бошланиб, жамоалар 3 кун мобайнида гуруҳдан чиқиш учун мurosасиз курашди. Низомига кўра, ҳар бир гуруҳдан 1-ўринни эгаллаган ва энг яхши кўрсаткични қайд этган иккита 2-ўринни кўлга киритган жамоалар плей-офф босқичида курашни давом эттиришди.

Финалга чиққан жамоалар ўртасида учинчи ўрин учун мurosасиз кечган учрашувда "Шарк" жамоаси "Халқ сўзи"га 0:2 ҳисобда имкониятни бой берди. Финалда ҳам худди шундай натижа билан "МТРК" жамоаси "Зўр ТВ"дан кучли эканини исботлади.

Тақдирлаш маросимида мусобақа голиби ва совриндорларга кубок, олтин медаль, китоблар жамланмасы, диплом ва пул муқофотлари топширилди.

— Турнир ажойиб ўтди, — дейди Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори ўринбосари ўтган Ҳамроев. — Бу каби спорт мусобақалари соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашда жуда аҳамиятли. Айниқса, ижодкорларга ўзгача бир қанот бағишлайди.

Эрлан НОҲБЕКОВ,

"Тошкент ҳақиқати" мухбири

◀ Бошланғич 1-бета

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.
10 969 нусхада
чоп этилди

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)
71 233-70-10
71 233-55-38
71 233-38-23, 71 233-48-08
71 233-65-59
71 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусоҳҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУҲҶАЕВ

Манзилимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почталар: thaqiqat@mail.ru; th-tp@mail.ru Буюртма V-2855. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қороз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 03.20.